

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ УРБАНОНИМИК ИНДИКАТОРЛАРНИНГ СЕМАНТИК-ФУНКЦИОНАЛ ТАҲЛИЛИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17606046>

Исломова Д.А

*НамДУ рус тили ва адабиёти
кафедраси ўқитувчиси
(diloromisloмова@mail.ru)*

Аннотация

Мақолада ўзбек тилидаги урбанонимик, агрономик, годонимик, хоронимик ва эргонимик индикаторларнинг семантик хусусиятлари очиқ берилган. Урбанонимик ва эргонимик индикаторларнинг таснифи берилган.

Калит сўзлар

урбанонимик индикаторлар, агоронимик индикаторлар, годонимик индикаторлар, эргонимик индикаторлар, майдон, бозор, кўча, туман, даҳа, ширкат, мажмуа.

СЕМАНТИКО-ФУНКЦИОНАЛЬНОЕ И ПРАГМАТИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ УРБАНОНИМИЧЕСКИХ ИНДИКАТОРОВ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ.

Исломова Д.А

*преподаватель
кафедры русского языка НамГУ*

Аннотация

В статье раскрываются семантические особенности урбанонимических индикаторов, агронимических, годонимических и эргонимических индикаторов в узбекском языке, даётся общая классификация урбанонимических индикаторов и классификация эргонимических индикаторов в частности.

Ключевые слова

урбанонимические индикаторы, агоронимические индикаторы, годонимические индикаторы, эргонимические индикаторы, майдан, базар, куча, туман, даҳа, ширкат, мажмуа.

SEMANTIC-FUNCTIONAL AND PRAGMATIC STUDY OF URBAN INDICATORS IN THE UZBEK LANGUAGE.

Islomova D.A

teacher of the

Russian Language Department of NamSU

Abstract

The article reveals the semantic features of urbonymic indicators, agronymic, hodonymic and ergonymic indicators in the Uzbek language, provides a general classification of urbonymic indicators and a classification of ergonymic indicators in particular.

Keywords

urbonymic indicators, agronymic indicators, hodonymic indicators, ergonymic indicators, maydan, bazaar, heap, fog, daha, shirkat, mazhmua.

Кириш

Она тилида сўзлашувчиларнинг лисоний хотирасида дунё хақидаги билимларнинг этник-маданий табиати туфайли маданий кодлар инъикоси мавжуд. Ушбу маданий ва прагматик аҳамиятга эга бўлган маълумотлар тилда турлича намоён бўлади. Халқнинг қарашлари маданий кодлар, айниқса, ўзгарувчан тизимнинг таркибий элементлари сифатида қараладиган ва улардан фойдаланган ҳолда жамиятнинг маданий ғояларини ифодаловчи ўзига хос номларда, хусусан, урбанонимларда аниқ намоён бўлади. Шаҳар ичидаги объектлар номларида халқнинг дунёқараши, тарихий ўтмиш ва бугунги кунга муносабати акс этади.[4, 389]

Адабиётлар таҳлили

Шаҳар ва шаҳар атрофига оид тадқиқотларнинг оммавийлиги лингвокултурологияда ортиб бормоқда. Улар жуда кўп сонли замонавий муаммолар ва ҳодисаларни камраб олади. Ушбу муаммога доир тадқиқотларда урбанонимларни ономастика объекти сифатида ўрганишга оид кўплаб ишлар мавжуд. Ономастик тадқиқотлар назарияси ва методологияси, жумладан, урбанонимлар Н.В. Подольская "Рус ономастик терминологияси луғати" (1988) ва А.В. Суперанская (2009) монографиясида ўрганилган. А.М. Мезенко "Урбонимия маданият тили сифатида" (2011) илмий тадқиқотида тилдаги урбонимларнинг коммуникатив функцияси хусусиятлари очиқ берилган. Ҳозирги рус тилининг эргонимлари муаммоси, уларнинг семантикаси ва прагматикаси М. Г. Қурбонованинг(2015)

диссертация тадқиқотида ўрганилган, М. В. Голомидова "Замонавий урбанонимик номинация: стратегик ёндашувлар ва амалий эчимлар" (2017) диссертациясида замонавий шаҳар объектларини номлаш муаммоларини ўргандилар. Э.Н. Егорова "Шаҳарнинг лингвомаданият маконида урбанонимларнинг функцияси" урбанонимларнинг функционал жиҳатларини очиқ берди (2017), С.Л. Казакова "Инглиз тилидаги урбанонимларнинг прагматингвистик жиҳати: инглиз пабларининг номлари асосида" (2011) диссертациясида у паб номларининг структуравий-семантик таҳлили ва уларнинг прагматик имкониятларини ўрганган. Америка урбанонимлари номларининг хусусиятлари В.А. Бойко (2018), Р.В. Разумов "Урбанонимик терминология: тизимлар ва муаммолар" (2019) мақоласида урбанонимларнинг терминологик компонентини ўрганган. Илмий адабиётлар таҳлилидан кўриниб турибдики, илмий тадқиқотлар урбанонимларни семантик томондан ўрганишга бағишланган бўлиб, ҳозирги тилнинг лексик бирликлари таркибий қисмлари сифатида топонимик индикаторлар ўрганишга оид ишлар етарли эмас;

Тадқиқот методологияси

Мақолада келтирилган барча урбанонимик индикаторлар талқини А.Мадвалиев таҳрири остида тайёрланган "Ўзбек тилининг изохли луғати" электрон вариантыдан олинган[8]. Ўзбек тилидаги урбанонимик индикаторлар таҳлили асосида уларнинг лексик-семантик таҳлили ўтказилди, урбанонимик индикаторларнинг луғавий маъноси, этимологияси, расмий соҳада ва сўзлашув услубида қўлланиш фаоллигига кўра турларини таснифлаш таклиф этилди.

Таҳлил ва натижалар

Урбанонимлар (юнонча «urbanus» шаҳар + «онума» исм, ном) – топоним турига кириб, шаҳар ичидаги барча объектларнинг номи. А.М.Мезенко урбанонимияни "ҳозирги вақтда мавжуд бўлган ва олдинги даврларда қўлланилган шаҳарлараро объектларнинг барча номларининг йиғиндиси" деб тушунади. Булар чизикли (кўчалар, йўлақлар, боши берк кўчалар ва бошқалар), ҳудудий (майдонлар, боғлар, бозорлар, туманлар, сув ҳавзалари ва бошқалар) ва йирик объектлар (черковлар, монастирлар, кинотеатрлар, меҳмонхоналар, кафелар, ёдгорликлар ва бошқалар) номларидир.

Урбанонимларнинг агороним, годоним, хороним, эргоним каби турлари мавжуд.

Агоронимик индикаторлар. Агоронимлар – шаҳар майдонлари ва бозорларнинг номлари. Ўзбек тилидаги агоронимик индикаторларга майдон, бозор, хиёбон, сайлгоҳ ва стадионларнинг номлари киради.

Годонимик индикаторлари. Годоним (юнон. ὀδὸς- кўча. йўл + ὄνομα ном) – урбоним тури, кўча номи.[7] Ўзбек тилидаги годонимик индикаторлар: кўча, маҳалла, шоҳкўча, проспект, шоссе, берккўча (тупик), проезд. Ўзбек тилида проспект, шоссе, тупик ва проезд годонимик индикаторлари рус тилидан ўзлаштирилган.

Проспект (лот. *prospicere* - кўриниш, манзара) – шаҳарларда кенг, катта ва тўғри кўча. Ҳозирги ўзбек тилида шоҳ кўча сўзи ўрнида проспект сўзи фаол қўлланади.

Шоссе (фр. *chaussee* - оҳактош қопланган йўл) – тош терилган ёки асфальт, бетон ва шу кабилар ётқизилган кенг йўл: Оҳангарон шоссеси, Паркент шоссеси (Тошкент ш.).

Тупик (рус. *тупой* - “тўмтоқ, боши, учи йўқ; боши берк”) – боши берк кўча ёки йўл: Фарғона йўли 6-туپик (Тошкент ш.), Бешёғоч 2-тупик (Тошкент ш., Чилонзор т.), Олтинкўл 1-тупик, Анхорбуйи тупики (Тошкент ш., Шайхантохур т.).

Проезд (рус. *ўтиш жойи*) – параллел кўчаларни боғлайдиган кўча ёки ҳиёбон. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида бу сўз киритилмаган. Лекин расмий ҳужжатларда шаҳар объектларининг манзилини кўрсатишда фаол қўлланади. Масалан, Фирдавсий 1, 2, 3, 4, 5-проездлар, Қўрғон 5-проезд (Тошкент ш., Юнусобод т.), Олтингул 1-проезд (Тошкент ш., Чилонзор т.).

Замонавий энциклопедик ва филологик луғатларида годонимик кўрсаткичлар “номенклатура” сўзи билан юритилади. Масалан, Википедия электрон энциклопедиясида “Рус тилидаги годонимларнинг кўпчилиги икки бўлакли номинацияга эга: битта компонент кичик ҳарф билан ёзилган номенклатура сўзи, иккинчиси эса, қоида тариқасида, номенклатурадан кейин келадиган годонимнинг атрибутив компонентиدير ва у бош ҳарф билан ёзилади. [1]

Хоронимик индикаторлар. Хороним (юнонча *χώρα* – вилоят, ўлка, мамлакат + ὄνομα – ном) – маълум чегараларга эга бўлган ҳар қандай ҳудуднинг номи: кичик майдон (ўтлоқ, ўрмон, шаҳар майдони), тарихий минтақа, маъмурий ҳудуд ёки мамлакат.[7]

Хороним ландшафт ва табиий муҳитнинг, минтақанинг аҳоли пункти ва тарихининг хусусиятларини кўрсатади. Хоронимлар жуғрофий (табиий) ва маъмурий хоронимларга бўлинади. Жуғрофий (табиий) – табиий ландшафт зоналарининг номлари. Маъмурий-ҳудудий бирликларнинг номлари. Маъмурий хоронимларни кратонимлар (юнонча *κράτος* – куч, ҳокимият + ὄνομα – исм, ном) деб аталади, масалан, мамлакат, штатлар[5].

Шаҳар ичидаги хоронимни бир вақтда урбонимнинг махсус тури сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Ўзбек тилидаги шаҳар ичидаги хоронимик индикаторлар: туман, кичик туман, квартал, массив, мавзе, даҳа, уезд, шаҳарча, гузар, парк, боғ, сквер, хиёбон.

Туман сўзи билан биргаликда халқ тилида унга синоним бўлган, район сўзи ҳам фаол қўлланади. Район (фр. rayon - кенг майдон, катта кенглик) туман, бирор географик, иқтисодий ва шу каби белгилар, хусусиятлар билан ажралиб турадиган жой, ҳудуд. Масалан: микрорайон – шаҳарнинг ўзига мустақил кичик ҳудуди: Наманган шаҳар 3-микрорайон. Расмий адабий тилда - 3-Давлатобод тумани.

Мавзе сўзига синоним сифатида квартал сўзи қўлланади. Квартал (нем. quartal - тўртинчи) шаҳарнинг бир неча (одатда тўртта) кесишиб ўтган кўчалар билан чегараланган қисми: Ал-Хоразмий 19, 20, 20А кварталлар (Тошкент ш., Чилонзор т.)

Массив (лот. massif – бўлак, парча) даҳа: Сергели массиви, Бектемир массиви, “Янги Ўзбекистон” массиви, Бешкўрғон массиви (Тошкент ш., Олмазор тумани).

Уезд (қад.рус. – йўл, кўча, юриш) - Чор Россияда ва собиқ СССРда: 1929 йилгача губерна таркибидаги маъмурий-ҳудудий бўлинма. Уезд ҳозир қўлланмайди.

Парк – тарихий-этимологик жиҳатдан инглизча парк сўзи дастлаб рус тилига ва унинг воситасида ўзбек тилига ўзлашган. Парк луғавий бирлиги қуйидаги маънони англатади: “Йўлаклар, хиёбонлар, ўйин майдонлари, дам олиш, кўнгиш очиш мақсадлари учун белгиланган бино ва ҳар хил ускуналари бўлган манзарали боғ” [10]

Изоҳли луғатда парк сўзига “Гулзор, дарахтзор ва хиёбонлари бўлган, дам олиш, кўнгиш очиш учун мослаштирилган катта боғ”, деб изоҳ берилган.

Сквер – шаҳар майдонидаги кичик жамоат боғи[6]. “Сквер” ва “сад” идеографик синонимлар, улар функционал жиҳатдан фарқланади. Сквер – боғ, майдон ёки кўчадаги кичик яшил майдони бўлиб, қисқа муддатли дам олиш ва меъморий мақсадлар учун қўлланадиган жой.[2] Сквер сўзи асли латинча бўлиб, “тўртбурчак қилиб қирқмоқ” маъносидаги exduadrare сўзининг рус тилига square шаклида “тўртбурчак майдон” маъносида ўзлашган. Ўзбек тилига рус тилидан ўзлашган бўлиб, хиёбон сўзининг муқобили сифатида қўлланади. Унчалик катта бўлмаган ва кўпинча шаҳарнинг марказий қисмидаги жамоат боғи[10]. Кўриниб турибдики, хиёбон агоронимик ва хоронимик индикаторлар турига киради.

Эргонимик индикаторлар. Эргонимлар (юнон. ἔργον “иш, амал, ижод”, ὄνομα – “исм, ном”) жамият ҳаётининг турли соҳаларида (сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий) фаолият юритувчи корхона ёки ташкилотларнинг номи. Эргоним атамаси биринчи мартда Н.В. Подольская томонидан Рус ономастик терминологик луғатида ишлатилган. Эргоним атамаси XX аср 80-йиллардан бошлаб урбанизация, глобаллашув, шаҳар муҳитининг ўзгариш жараёнлари таъсири остида кенг тарқалган. Эргоним ижтимоий ва маданий жараёнларнинг муҳим кўрсаткичи, мегаполислар кундалик ҳаётининг ўзига хос ўлчови ва шаҳар ономастиконининг бирлигига айланди.[3]

Эргонимик индикаторлар: марказ, уй, мажмуа, маркет, магазин, ярмарка, дўкон, дўконча, бутик, шохобча, меҳмонхона, отель, мактаб, лицей, гимназия, коллеж, институт, университет, поликлиника, дорихона, шифохона, амбулаторий, оптика, кинотеатр, ошхона, ресторан, кафе, тўйхона, кутубхона, театр, музей, банк, боғча, ётоқхона, завод, фабрика, комбинат, сервис, сарторошхона, чевархона, устахона, ҳокимият, нотариус, суд, загс, касса (авиакасса), почта, телеграф, сарой, завод, фабрика, устахона, ширкат, босмахона, хаммом, сауна, чойхона, ошхона, бозор, қабристон, мазор, масжид, кўмита, агентлик, компания, муассаса ва б.

Бу индикаторларнинг барчасини битта мақолада изоҳини бериш мумкин эмас ва биз буни мақсад қилмаганмиз. Мазкур мақолада фақат айрим янги объектларнинг номларига изоҳ беришни мақсад қилганмиз.

Эргонимик индикаторларни қуйидаги гуруҳларга тасниф қилиш мумкин:

1. Маъмурий-бошқарув ва суд идоралари билан боғлиқ топонимик индикаторлар: ҳокимият, нотариус, суд, загс, кўмита, агентлик.
2. Диний муассасалар билан боғлиқ топонимик индикаторлар: масжид, черков.
3. Ўқув муассасалари билан боғлиқ топонимик индикаторлар: мактаб, лицей, гимназия, коллеж, институт, университет, боғча.
4. Тиббиёт муассасалари билан боғлиқ индикаторлар: шифохона, поликлиника, амбулатория, поликлиника, дорихона, оптика...
5. Савдо объектлари билан боғлиқ индикаторлар: банк, уй, мажмуа, маркет, магазин, ярмарка, дўкон, дўконча, бутик, шохобча, бозор, касса (авиакасса), компания.
6. Ишлаб чиқариш объектлари билан боғлиқ индикаторлар: завод, фабрика, устахона, ширкат, босмахона, комбинат.
7. Хизмат кўрсатиш соҳасига оид жойлар билан боғлиқ индикаторлар: хаммом, сауна, кафе, чойхона, ошхона, меҳмонхона, мойка (автомобилларни

ювиш шохобчаси), салон, сарторашхона, чевархона, устахона, ресторан, тўйхона, почта, телеграф, ётоқхона, ширкат, муассаса.

8. Қабристон ва мақбаралар билан боғлиқ индикаторлар: қабирстон, мазор.

9. Маданий ва маърифий муассасалар билан боғлиқ индикаторлар: кинотеатр, кутубхона, театр, музей, сарой, марказ, уй, мажмуа, муассаса.

Айрим эргономик индикаторлар бир неча гуруҳларга кирганлиги кузатиш мумкин, масалан: марказ, уй, мажмуа, ширкат, муассаса. Уларга изоҳ берамиз.

Марказ – бирор фаолият соҳасида асосий иш олиб бориладиган жой. Ўзбек тилининг изоҳли луғатда марказ сўзининг урбоним объекти сифатида маъноси киритилмаган. Ҳозир йирик ва ўрта шаҳарларда турли марказлар қўрилмоқда: “Ёшлар маркази”, “Оила” илмий-амалий (тадқиқот) маркази, “Имкон” савдо маркази, “Ўзбегим” савдо маркази, Ўзбекистон миллий матбуот маркази, “Баркамол авлод” болалар маркази, “Янги авлод” ижодиёт маркази, “Соғлом аёл маркази (Тошкент ш., Олтиариқ), “Лайло” аёллар саломатлик маркази (Тошкент ш.), Вилоят перинатал маркази, “Мономарказ”.

Уй – бирор ижтимоий талабни қондиришга қаратилган муассаса: Меҳрибонлик уйи, Маданият уйи, “Мурувват” ногирон болалар учун интернат уйи (Сирдарё тумани), “Саховат” кекса ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйи (Наманган ш.).

Мажмуа (араб معقد – тўплам, тўплаш, бир бутун нарсаси) – Ўзбек тилининг изоҳли луғатида мажмуа сўзининг урбоним объекти сифатида маъноси киритилмаган.

Рус тилида “комплекс” – тизим, бир нарсанинг йиғиндиси, бирлашган, умумий мақсадга эга бўлган ва қандайдир аниқ бир умумий мақсадга жавоб берадиган воқеалар, ҳаракатлар тўплами. У инсон ҳаётининг турли соҳаларида, жумладан, урбоним сифатида ишлатилиши ҳам мумкин. Масалан, замонавий турар-жой массивлари, турар-жой мажмуаси – ягона, махсус режалаштирилган ҳудуд билан бирлаштирилган, ягона меъморий услубда қурилган ва ягона ҳудудий ва фазовий яхлитликни ташкил этувчи бир ёки (кўпинча) бир нечта кўп хонадонли турар-жой бинолари. Масалан, “Бунёдкор” спорт мажмуаси (Тошкент ш.), “Ёшлик” спорт мажмуаси (Наманган ш.), “Бухоро” спорт мажмуаси, “Яшнобод Плаза” турар жой мажмуаси, “Янги Чош Тепа” турар жой мажмуаси (Тошкент ш.) каби.

Ширкат (араб. شركة – шериклик; уюшма). 1. Маълум ишни бирга амалга ошириш мақсадида бирлашган кишилар ҳамкорлиги, ўртоқлик уюшмаси, ихтиёрий бирлашмаси. 2 Тенг ҳуқуқли иштирокчилардан ташкил топган

саноат ёки савдо уюшмаси. Масалан: “Янги хаёт” уй-жой мулкдорлари ширкати, “Янги тонг” кўп квартирали уй ширкати (Тошкент ш.) каби.

Эргонимик индикаторлар қаторида ўзлашган индикаторлар ҳам мавжуд. Улардан айрими замонавий лингвистик луғатларга киритилган. Масалан, маркет, магазин, ярмарка. Оғзаки нутқда ва баннерларда кенг қўлланган янги эргонимик индикаторлар ҳам мавжуд. Масалан: мойка, салон, бутик.

Хулоса

Юқорида таҳлил қилинган урбонимик индикаторларни замонавий (массив, квартал) ва тарихий (даҳа, уезд), ўзбекча (шоҳ кўча, туман, бозор) ва ўзлашган (проспект, район, даҳа, маркет), доимий (бозор, магазин) ва вақтинчалик (ярмарка, раста, шохобча) гуруҳларига таснифлаш мумкин.

Марказ, мажмуа сўзларини урбонимик объект сифатида ўзбек тилининг изоҳли луғатига киритиш тавсия этилади.

Кўриниб турибдики, урбанонимия – миллий маданият кўзгуси бўлган, муайян тил жамоасини тавсифловчи анъана ва асослар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган топонимик луғатнинг энг ҳаракатчан ва ўзгарувчан қатлами. Урбонимларнинг семантикаси этник қатламнинг қадриятлари ва маданий стереотипларининг тарихий ўзгаришларини ўзида акс эттиради.

АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:

1. Википедия. Свободная энциклопедия.
<https://ru.wikipedia.org/wiki>. Дата обращения 20.08.2022.
2. Гостев В.Ф., Юскевич Н.Н. Проектирование садов и парков. Стройиздат. – Москва: 1991. <http://www.bibliotekar.ru>
3. Курбанова М. Г. Эргонимы современного русского языка: семантика и прагматика: дисс. ... канд. филол. наук: 10.02.01 – Волгоград, 2015. 54-60-б.
4. Мезенко А.М. Урбанонимия как язык культуры. Ученые записки Таврического национального университета им. В.И. Вернадского. Том 24 (63). 2011 г. №2. Часть 1. Витебск. 2008. – С. 388-392.
5. Мокроусов М.Н., Шаклеина О.В., Новая классификация имен собственных русского языка в задаче извлечения именованных сущностей, Norwegian Journal of Development of the International Science, 25 (2018), – С. 32-37.
6. Ожегов С.И. Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка. 4-ое издание. М.: 2017. 690-с.

7. Подольская Н. В. Словарь русской ономастической терминологии. Изд. 2-е, перераб. и доп. / А. В. Суперанская. – Москва: Наука, 1988. 192- с. с. – ISBN 5-256-00317-8.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2020. www.ziyouz.com.kutubxonasi.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 4-ж. – Б.394.
10. Усмонов О., Данияров Р. Русча-интернационал сўзлар изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1965. – Б. 419